Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 14-aprel, seshanba, № 47 (3552)

“Ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Ислом КАРИМОВ

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ОЛДИДАН

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани “Боғ” маҳалласида яшовчи 91 ёшли Йўлдош ота Ортиқов Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигини кўтаринки кайфиятда қарши олмоқда.

ФАРОВОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Отахон фронтдан қайтгач, узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Раҳима ая билан 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

— Тинч-осойишта, инсон қадри баланд бўлган бугунги кунлар ўз-ўзидан келмаган, — дейди «Жасорат» медали соҳиби Й.Ортиқов. — Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати самараси бу. Тақдиримдан миннатдорман, шундай фаровон кунларни кўриш насиб этди.

Суратда: *Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Йўлдош ота Ортиқов турмуш ўртоғи Раҳима Ортиқова билан набиралари даврасида.*

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери — **Ангела Меркель**

Покистон Ислом Республикаси Президенти — **Мамнун Хусайн**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири — **Навоз Шариф**

Тунис Республикаси Президенти — **Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сибсий**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси — **Сергей Наришкин**

Жаҳон банки Президенти — **Жим Янг Ким**

«Лемкен» компанияси ижрочи директори — **Антони ван дер Лей**

Германия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси инвестори — **Фальк Порше**

Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори, Россия Фанлар академияси академиги — **Виктор Матвеев** табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Ўзбекистонда авлодларнинг ёруғ келажаги учун жанггоҳларда жон берган ватандошлар шарафига Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 34 жилдлик “Хотира китоби” ва унинг бир неча қўшимча жилдлари нашр этилган бўлиб, унда бевосита жангларда, ҳарбий госпиталлар ёки концентрацион лагерларда вафот этган ҳамда бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида маълумотлар жой олган.

КЕЧАДАН ХУЛОСА, БУГУНДАН ИБРАТ

Сўнгги илмий изланишлар Иккинчи жаҳон урушида қарийб 70 миллион киши нобуд бўлганини кўрсатади. Уруш ўзбекистонликлар бошига ҳам катта кулфат ва талофатлар келтирганлиги маълум. Мана бу рақамларга эътибор қаратсак: 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион кишидан иборат эди. Уруш йиллари 1,5 миллионга яқин юртдошларимиз фронтга жўнатилиб, уларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди. “Хотира китоби”да ҳам 500 мингга яқин ўзбекистонлик жангчилар номи тилга олинади. 1999 йили “Хотира ва қадрлаш куни” арафасида Мустақиллик майдонида бунёд этилган Хотира мажмуига она Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, кўпгина туман ва шаҳар марказларида ҳам “Хотира” майдонлари қурилиб, улар барчамиз учун муқаддас зиёратгоҳга айланиб қолди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳамда унда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексалар мавқеини янада мустаҳкамлаш масаласи бўйича бир неча бандлар киритилганлиги эътиборга молик.

Дарҳақиқат, ёши улуғ кишиларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар қандай жамиятнинг маънавий даражасидан далолат беради. Оддийроқ қилиб айтганда, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариялар —хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси” деган мақол ва ҳикматли ибораларимиз қанчалар чуқур фалсафий маънога эга эканини шундан ҳам билса бўлади.

(Давоми 3-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

БОЛАЛАР МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИ

Мактаб ўқувчиларининг жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш, оромгоҳларни тайёрлаш ва болажонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратишга Тошкент вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзА суратга олди

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан маълум қилишларича, жорий йилги ёз мавсумида 30 мингдан зиёд болажонларни дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида 20 минг нафарга яқин эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари соғломлаштирилади.

Бунинг учун вилоятнинг тоғли, баҳаво ҳудудларидаги 18 та оромгоҳ ва таълим муассасалари қошида ташкил этилган юздан ортиқ кундузги соғломлаштириш масканларида барча шароит яратилаётир.

Мамлакатимизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида оромгоҳлар ҳудудида 10 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер майдони мавжуд бўлган оромгоҳларда сабзавот ва полиз экинлари экилди.

Бўстонлиқ туманидаги “Қуёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёз мавсумида 2 мингга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

— Ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ташкил қилиш, айниқса, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кенг жалб этиш, мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов. — Маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, сузиш ҳавзалари ҳам мавсум давомида улар ихтиёрида бўлади.

Жорий йил ёз мавсумида болажонлар мириқиб дам олиши учун қизиқарли маданий-маърифий, спорт тадбирлари, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган викториналар, интеллектуал ўйинлар, танловлар ўтказилиши ҳамда табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилиши кўзда тутилган.

Б.ҲИДОЯТОВ, ЎзА мухбири

ОЛИЙГОҲДА

Мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ этиш ва унинг моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида йил сайин янгидан-янги марралар эгалланмоқда. Буни Қарши давлат университети мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги йилларда олий ўқув даргоҳида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

ФАЙЗЛИ МАСКАННИНГ ЁРҚИН ЗИЁСИ

Бултур фойдаланишга топширилган 1500 ўринли янги ўқув биноси барчада ҳавас уйғотмоқда. Тасаввур қилинг-а, рўпарангизда табиатшунослик ва география ҳамда педагогика-психология факултетлари жойлашган ўқув биноси. Бино 8 та блокдан иборат. Ахборот-ресурс маркази, буфет, фаоллар зали, тўртта умумий маъруза заллари талабалар хизматида. Тиббиёт пункти, гардероб, ўқув ва лаборатория хоналари, маъруза заллари замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Шунингдек, 2- ва 3- талабалар турар жойининг таъмирдан чиқиши ҳам илмга ташна ёшларга ажойиб армуғон бўлди.

Университет ходимлари касаба уюшма қўмитасига ўтган йил мобайнида 63 та оғзаки ва ёзма мурожаат тушган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди, ҳуқуқий маслаҳат берилди. Жамоа шартномаси орқали “Соғлом бола йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, муайян ишлар амалга оширилди. 58 нафар эҳтиёжманд оила вакилига касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада).

МЕН СИЗГА АЙТСАМ...

76 ёшдаман. Гарчи бола эсам-да, урушнинг даҳшатли оқибатларига жонли шоҳидман. Отинг ўчкур уруш миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлиб, миллионлаб кишилар бошига не-не азоб-уқубатлар солганини ким билмайди дейсиз? Раҳматли отам ҳам жанглардан бирида ярадор бўлиб қайтгач, умрининг қолган қисмини мажруҳликда ўтказди. Яратганга беадад шукрки, бугун мамлакатимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм суриб, 130 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда.

ҚАДРИ УЛУҒ НЕЪМАТ

Кўҳна тарихга эга Чодак қишлоғи Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бетакрор, гўзал тоғ манзараси ва ҳайвонот олами билан ажралиб туради. Дала ва адирлардаги ўсимликларнинг шифобахшлилиги эса халқ табобати ишқибози сифатида катта тажриба орттиришимга сабаб бўлган. Чодакда 25 мингдан зиёд аҳоли умргузаронлик қилади. Ҳар бир хонадонда сигир, қўй-қўзи, деярли ҳар бир оилада ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомашина бор, дастурхонимиз тўкин.

Қишлоғимизда ишлаб чиқариш ва коммуникация инфратузилмаси тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, йирик лойиҳалардан бири Ангрен — Поп темир йўлининг шу ҳудуддан ўтаётгани аҳолимиз турмуши янада обод бўлиши ва қишлоқнинг замонавий қиёфа касб этишида муҳим омил бўлаётир. Янги савдо ва маиший хизмат шохобчалари, дам олиш масканлари ҳамда турли спорт майдончаларининг барпо этилаётгани, муболағасиз, Чодакнинг кичик шаҳар даражасига етишига асос солмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсам. Айни пайтда юртимизнинг турли жойларида, қатор соҳаларда меҳнат қилаётган аксарият чодакликлар қишлоғимиздаги 20-мактабнинг намунали ўқувчилари бўлган. Улар орасида тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва математика йўналишларида фан докторлари бор. Ўтган аср бошларида қурилган ушбу мактаб истиқлол йилларида қайта таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Қулай шарт-шароитлар мактаб ўқувчиларига фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиш имконини бермоқда. Уларга таълим беришда фахрийлар — маориф аълочилари билан бир қаторда, ёш кадрлар ҳам астойдил меҳнат қилаяпти. Яна бир қувонарли жиҳати, қишлоғимизда Поп Кон-металлургия ва сервис касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, бу ерда таҳсил олаётган болаларимиз қишлоғимизнинг ўзида амалиёт ўташи учун барча имконият мавжуд.

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” ОАЖга қарашли Чодак кон бошқармасида қишлоқ аҳолисининг аксарияти иш билан таъминланган. Ёш кадрлар ҳам ўзимиздан — коллежни битирган илк қалдирғочлар. Кон меҳнаткашлари “Мен Ватан учун нима қилдим?” деган даъват билан иш самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишда. Қишлоқ тобора обод бўлиб, ишчилар сафига ҳар йили ўнлаб қишлоқ йигит-қизлари қўшилаётир.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Буни англаш учун теваракатрофга бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Тинчлигимиз қадрига етиб, ҳалол меҳнат қилиб, юрт ободлигига ҳисса қўшиш, фарзандларимиз камолини кўриб юриш катта бахт. Бундай фаровон ва осойишта юртда ўтганларни хотирлаш ва ёши улуғларни эъзозлаш каби қадриятларимиз бардавом бўлиши шубҳасиз.

Холбой бобо ИСОҚОВ, меҳнат фахрийси

2015-yil 14-aprel, seshanba, № 47 (3552), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибидаги энг йирик бошланғич ташкилот ҳисобланган Ядро физикаси институти касаба уюшма ташкилотининг 2010 йил март ойидан — 2015 йил апрел ойигача бўлган давр мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Зайниддин Муродов раислик фаолияти мобайнида амалга оширган ишлари хусусида маъруза қилди. Эҳтиёжманд оила вакилларидан 316 тасига 130 млн. 890 минг сўмлик, жумладан, касаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан 17 млн. 485 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани таъкидланди. Шунингдек, ходимлар соғлигини тиклаш учун ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийларга 40 та имтиёзли йўлланма олиб берилган, байрамлар муносабати билан 700 нафарга яқин ишчи-ходим ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватланган.

Сўзга чиққанлар қўмита раиси Зайниддин Муродов Федерация кенгашининг “Эҳтиром нишони” билан бежиз тақдирланмагани хусусида ҳам гапириб ўтишди. Институт касаба уюшма қўмитасининг ўтган даврдаги иш фаолияти қониқарли деб топилиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Шахбоз Сайитхонов, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев иштирок этди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
“Ishonch” мухбири

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ходимлар ва талабалар бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган беш йил давомида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

6 та цех, 165 та гуруҳ касаба уюшма ташкилотига жипслашган 4315 нафар аъзо шарт-шароит яратиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маданий-маърифий, спорт тадбирлари узвийлигини таъминлаш борасидаги ишлардан мамнун. Беш йилда аъзолар сони 1042 нафарга кўпайгани ҳам институт касаба уюшмаси жамоа кўнглига йўл топа билганидан далолат. Бошланғич ташкилот ташаббуси ва маъмуриятнинг қўллаб-қувватлаши боис жамоадаги ногирон, чин етим ва эҳтиёжмандларга тизимли ижтимоий мадад кўрсатиб келинаётир.

Эътиборли жиҳати, жамоат ташкилоти ваколати доирасидаги барча масалаларни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилинган. Натижада, бошланғичда 610 нафар аъзонинг мурожаати ўз ечимини топган.

— Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш назоратга олинган, — деди бошланғич ташкилот раиси Музаффар Махамматов. — Жисмоний тарбия кафедраси билан ҳамкорликда мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, миллий кураш каби қатор тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Ижтимоий кўмак борасидаги ишлар ҳам салмоқли. Ўтган даврда 174 нафар ўқитувчи, 65 нафар талабага моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, талаба Нодира Хўжамуродова, Фотима Жўраевага бир йиллик, Зебунисо Омоновага тўрт йиллик тўлов контракти Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳисобидан қопланди. Жамоат ишларида фаол, ўқиш ва изланишда юксак натижаларга эришган талабалар учун касаба уюшма стипендиялари жорий этилган бўлиб, айни чоғда талаба Мафтуна Каримовага институт ҳисобидан энг кам иш ҳақининг олти баробари миқдорида стипендия тўлаб келинмоқда.

Бошланғич ташкилот томонидан институт маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда “Маънавият соатлари” доирасида талаба ёшларни баркамолликка чорловчи, моддий ва маданий меросимизни асрашга ундовчи қатор учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Таниқли олимлар, тажрибали ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар, кўпни кўрган кексалар иштироки таъминлангани боис, тадбирлар таъсирчанлиги муттасил ортиб бормоқда.

Маъмурият ва касаба уюшма ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари ўртасида уюштирилаётган “Биз буюк юрт фарзандларимиз” ижодий ишлар кўрик-танлови янги-янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда.

Баҳодир Қаршиев, Абдубоқи Каримов ва бошқалар бошланғич ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, бир қанча таклифларни ўртага ташлади. Кўпчилик овоз билан Музаффар Махамматов яна бошланғич ташкилот раислигига сайланди.

Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Самарқанд шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Касабақўм раиси Мадина Аҳмедова 2010-2015 йиллар оралиғидаги фаолият юзасидан ҳисобот берар экан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бешинчи Қурултойи муҳим бурилиш ясаганлигини эътироф этди. Касаба уюшмалари, айниқса, бошланғич ташкилотлар тузилмасини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини кучайтириш, моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди, тадбирлар белгиланди.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 10 та қишлоқ врачлик пункти ҳомийлар ҳисобидан капитал таъмирланди.

Бу бунёдкорлик ўз навбатида аҳоли саломатлигини янада яхшилашга замин яратди. Хусусан, 2010-2014 йилларда аҳолини соғломлаштириш самарадорлиги 65 фоизга ошди .

Бирлашмада барча ишловчилар жамоавий шартномалар билан юз фоиз қамраб олинди. 2010 йилда жамоа шартномасига киритилган барча имтиёзлар учун 25 млн. сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йил якуни бўйича 45 млн. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, ўтган даврда иш берувчи томонидан 145 та ишчи хизматчига 60 млн. 700 минг сўмлик устамалар берилди.

Жамоа шартномалари орқали Соғлом бола йилида эҳтиёжманд 19 оилага касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Муҳими, ўтган даврда ходимларни ишдан ноқонуний бўшатиш ҳоллари содир бўлмади.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш касаба уюшма қўмитаси фаолиятининг диққат марказида бўлди. Ҳисобот даврида республика миқёсидаги санаторийларга 84 та имтиёзли йўлланма берилди. Ходимларнинг 256 нафар фарзанди оромгоҳларга юборилди.

Касаба уюшма қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, юқори ташкилот конференциясига делегатлар сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
“Ishonch” мухбири

ФАЙЗЛИ МАСКАННИНГ ЁРҚИН ЗИЁСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Университет ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашган ходимлар рағбатлантирилди. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, моддий қўллаб-қувватланди. Йил давомида ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ бир ярим миллион сўмга яқинлашгани ҳам олий ўқув юртида ходимлар ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратилаётгани намунасидир. Бундан ташқари, бир нафар чин етим талабанинг шартнома пули жорий ўқув йили учун тўлаб берилди. Яна бир талаба ҳар ойда устама стипендия олмоқда. Эҳтиёжманд оила вакиллари, ногиронлар талабалар турар жойидан имтиёзли фойдаланмоқда.

2014 йил мобайнида 28 нафар ўқитувчи ва ходим имтиёзли равишда санаторийларда дам олдирилди. Ходимларнинг 22 нафар фарзанди “Зиё чашмалари” болалар оромгоҳида соғломлаштирилди.

Ходимларга хавфсиз, қулай иш шароитини яратишга эътибор кучайтирилиб, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни йўлга қўйиш мақсадида, иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган битимга асосан йил мобайнида 150 нафар ишчи-ходимга махсус кийим-бош олиб берилди.

Университет ҳудудидаги тиббий хизмат кўрсатиш пунктига маъмурият ҳисобидан зарур дори-дармонлар олинди, еттита талабалар турар жойининг барчасида тиббиёт хоналари ташкил этилиб, талабалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кексаларни эъзозлаш йилида касаба уюшма қўмитасининг ниятлари катта. Жумладан, Ватанимизнинг тарихий шаҳарлари ва Тошкент шаҳри бўйлаб “Нуроний” саёҳатларини уюштириш ниятидамиз.

Ёлғиз, боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олиш, уй юмушларига ёрдам бериш ва турар жойларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, университетда намунали фаолият юритиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган олимлар, профессор-ўқитувчилар билан “Фахрийлар — фахримиз” мавзусида ёшлар ўртасида давра суҳбати, уч авлод учрашувларини ўтказиш мўлжалланяпти.

Ногирон, эҳтиёжманд кексаларнинг имтиёзли даволанишини ташкил этиш, 90 нафарга яқин кекса профессор-ўқитувчи, шу жумладан, хотин-қизларни дам олиш сиҳатгоҳларига юбориш ҳам кўзда тутилган.

Тўйчи ВАЛИЕВ,
Қарши давлат университети ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани “Элликқалъа” овул фуқаролар йиғини ҳудудида янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Умрбек Нуримбетов томонидан “Халқ банки” туман бўлими молиявий кўмагида барпо этилган мажмуада маиший техника, қурилиш маҳсулотлари, уй-рўзғор жиҳоз ва буюмлари савдоси йўлга қўйилди. Бу ерда 12 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

Суратда: мажмуа ишчиси Рустамбой Машарипов.

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларда ўтказиб келинаётган меҳнат муҳофазасига оид жамоат назоратини энг яхши ташкил этган корхона, бошланғич касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил номинациялари бўйича Фарғона вилоят босқичи ғолиблари аниқланди. Нуфузли комиссия ташкилотларда бўлиб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

— Ғолибларни аниқлаш баробарида, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назорати ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятини ҳам ўргандик, — дейди вилоят бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ш.Раҳимхўжаев. — Бу соҳага оид маслаҳатлар бериш билан бирга, зудлик билан бажарилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб олишга имкон берди.

Комиссия хулосасига кўра, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси вилоят тармоғида “Энг яхши корхона” номинациясини бўйича “Қуватекстил” МЧЖ, “Бешариқтекстил” қўшма корхонаси, “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” номинациясида “ДЭУ — текстил Фарғона” масъулияти чекланган жамияти республика босқичига йўл олди.

Шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тармоғида “Энг яхши корхона” йўналишида Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси, “Бошланғич касаба уюшма қўмитаси “ номинациясида вилоят молия бошқармаси, “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” номинацияси бўйича вилоят ички ишлар бошқармаси эътирофга сазовор бўлди.

Агросаноат мажмуи ходимлари тармоғида “Энг яхши корхона” номинациясида “Қува пахтани қайта ишлаш” корхонаси, “Фарғона ёғ-мой комбинати” ғолиб деб топилди. “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” номинациясида эса “Қува пахтани қайта ишлаш” корхонаси фаолияти эътироф этилди. Бошқа тармоқларда ҳам ғолиблар номи аниқланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
“Ishonch” мухбири

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқув-семинар ўтказилди. Унда тасарруфдаги бошланғич ташкилотларда Меҳнат кодексига риоя этилиши ва мавжуд муаммолар ҳақида сўз борди.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

— Корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида жамоа шартномаларини тузиш, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш қоидалари ҳақида маълумот бераяпмиз, — деди шаҳар бирлашмаси юридик бўлими мудири Икром Ёқубов. — Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномасига меҳнат муҳофазаси бўйича киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар юзасидан тушунча берилмоқда. Бундан ташқари, йиллик меҳнат фаолияти мобайнида ходимга ўз ҳисобидан бериладиган таътил муддати уч ойдан ортиқ бўлмаслиги, ўрта-махсус ўқув юртлари ва олий таълим даргоҳлари битирувчилари биринчи марта ишга қабул қилинаётганда уч йилгача синов муддатисиз ишга олиниши каби қонунларимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан ҳам таништириляпти.

Семинарда велоспортчилар ўртасидаги «Касаба-тур» веломарафони ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида ўзаро фикрлашиб, вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аждодларимиздан мерос миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасидаги фаолият тобора кенг кўлам касб этаётир.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қабул қилинган дастур доирасида жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Галлаорол туманидаги 22-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган кўрик-танлов “Балли, бувижонлар!” деб номланиб, унда “Саҳна кўриниши”, “Оилавий шажара”, “Ҳаётингиздаги эсда қолган воқеа” ва “Эркин мавзу” шартлари бўйича эсда қоларли беллашув уюштирилди. Ғолибларга таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тизимда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан бир гуруҳ фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, улар яшаб турган уй-жойлари ободонлаштирилди.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши дастурига мувофиқ, йил давомида Зомин тумани Ём қишлоғида жойлашган “Мурувват” уйида ҳам қатор маданий тадбирлар ташкил этилиши белгиланиб, ижроси таъминланяпти.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг тарбиясига қўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда. “Маънавият соатлари”да “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури аҳамияти ва мақсади атрофлича тушунтириляпти. Жумладан, “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари” ОАЖ, Даштобод пахта тозалаш корхонаси, Жиззах шаҳар тиббиёт коллежи, Жиззах политехника ва педагогика институти, бошқа кўплаб корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган тадбирлар шулар жумласидан.

Йилнинг биринчи чораги учун белгиланган режага кўра, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш ва моддий ёрдам бериш, меҳнат фахрийларини касаба уюшма санаторийларида бепул соғломлаштириш, юртимизнинг диққатга сазовор масканлари бўйлаб саёҳатлар уюштиришга алоҳида эътибор берилди.

Шарофиддин БАҲРИДДИНОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

ЭЪТИРОФ

МЕҲР АВВАЛ БИЗДАН БЎЛСИН

“Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали касаба уюшма қўмитаси ўз фаолиятини намунали ташкил этиб, 300 нафардан ортиқ аъзонинг ишончини қозониб келмоқда.

Амалдаги жамоа шартномасига мувофиқ, ўтган йил Денов, Олтинсой, Бойсун, Учқизил телекоммуникация боғланмалари ҳамда Автохизмат бўлими ходимларидан беш нафари ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан “Турон”, “Чинобод”, “Ботаника” каби сиҳатгоҳларда соғлигини тиклади. 22 нафар илғор муҳандис-техник Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида саёҳатда бўлди. Соҳа ходимларининг 100 нафардан ортиқ фарзанди Шеробод туманидаги “Бешбулоқ”, Олтинсой туманидаги “Вахшивор” оромгоҳларида дам олдирилди.

— Ўтган йили “Соғлом она — соғлом авлод гарови” шиори остида ташкил этилган аёллар фестивалида ходимларимиз фаол қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритишди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Акмалжон Дониёров. — Яқинда жамоамизда ишлаётган икки нафар ходимнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Тўй харажатлари филиал ҳисобидан қопланди. Ёш оилага Термиз туманидаги “Лимонзор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган янги уйлардан бирининг калити топширилди.

Филиал оталиғидаги Жарқўрғон ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ўқувчилар билан ўтказилаётган суҳбатлар бежиз кетмаяпти. Ўтган йил битирувчиларнинг 5 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиб, улар ишга жойлаштирилди. Ёш мутахассисларда иш кўникмасини шакллантиришга жиддий аҳамият бериляпти.

Аҳил жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз касбининг устаси эканлиги боис, вилоятнинг энг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам намунали алоқа хизмати йўлга қўйилган. Муҳими, ташаббускорлик муҳити юзага келган бўлиб, Наврўз байрами муносабати билан ҳар бир алоқа ходими 24 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазди. Филиал ҳовлиси ва атрофи, барча тумандаги боғланмаларнинг атрофи ободонлаштирилди. Байрам баҳонасида сумалак сайли ўтказилди.

Шунингдек, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури асосида соҳа нуронийларининг бир гуруҳини сиҳатгоҳларда соғломлаштириш, сайёҳатларга олиб чиқиш, тиббий ёрдамга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Рустам ДАВЛАТОВ,
“Ishonch” мухбири

2015-yil 14-aprel, seshanba, № 47 (3552), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЕЧАДАН ХУЛОСА, БУГУНДАН ИБРАТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизнинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишдаги фидойиликни халқимиз ҳамиша катта миннатдорлик билан эслайди. Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳам фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтириш ва самарасини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган 3 мингдан зиёд, фронт ортида меҳнат қилган 70 мингга яқин инсон яшамоқда. Шу ўринда Хотира ва Қадрлаш сўзларига изоҳ бериб ўтсак. Юртбошимиз жуда таъсирли баён этганидек, Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу ўзбек халқига хос азалий фазилатдир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Дарвоқе, бу ҳақиқатни инсоният тарихи кўп бор исботлаган. Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Шунингдек, Қадрлашнинг мазмун-моҳияти ҳаёт синовлари билан ҳам боғлиқ. Яъни, азоб-уқубатларни бошидан кечирмати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилинганини (30-йилларнинг ўзида Ўрта Осиё Республикаларидан 300 минг деҳқон хўжалиги мажбуран бошқа жойларга кўчирилган) инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг даҳшати янада ёркинроқ намоён бўлади.

Демак, Хотира ва Қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳим жиҳати, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана — яъни, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ўрнимизга келадиган ёш авлод шукронасини кўп бор айтар, мустақиллик ва тинчлик ҳақида кўп гапирардилар. Кўзларига ёш олиб, жанггоҳларда ҳалок бўлган сафдошлари ва жигаргўшаларини, хусусан, укалари Мустақимбек амакимни, Давронбек исмли жиянларини, раҳматли онам — Бибижон Каримбекованинг укаси Бекмурод тоғамни эслар эдилар. Президентимиз Фармонига биноан 1995 йили давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Жасорат" медалини олганларида Юртбошимизни, халқимизни ва ўша кунларгача етиб келган фронтдошларини дуо қилиб, бундан буён уруш кўрмайлик, тинчлик ва омонлик бўлсин, деганлари ҳали-ҳали ёдимда.

Отамнинг ҳикоя қилишича, уруш йиллари яқинларидан 7 кишини, ўзлари фронтга олинган маҳалладан эса 100 га яқин одамни йўқотганлар. Мактабда ўқиб юрган кезларим халқ ўқитувчиси, география домламиз Тўра Тўлаганов ва бошланғич синф ўқитувчиси Юсуф Файзиев отам билан бирга фронтга кетганлигини ва минг шукурки, ярим мажруҳ ҳолда бўлса-да, Она диёрга қайтиб келишганлигини розилик аломати ила тез-тез айтар эдилар. Шунингдек, амаким раҳматли Мавлонбек Пўлатбеков ҳам Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатлари ҳақидаги ҳикоялари ҳали-ҳали қулоғимда. У кишининг бир қўллари мажруҳ, яна икки жойларида "осколка абадий макон топган" бўлса-да, ҳаётда доимо жўшқин, интилувчан ва ёшларга ўта талабчан эдилар.

Мен улар тимсолида бугунги кун тинчлик ва ҳотиржамлигини, мустақилликнинг мазмун-моҳиятини ва албатта, Хотира тушунчасини янада чуқурроқ англаётгандекман, назаримда. Шу билан бирга, раҳматли отам ва устозларим тимсолида жонажон пойтахтимиз — Тошкент шаҳри бор бўй-басти билан гавдаланади. Президентимиз Ислом Каримов иборaси билан айтганда, XX асрда бутун мамлакатимиз қатори бошига қандай оғир мусибат ва синовлар тушмасин — бу шўролар тузумининг ўрнатилиши бўладими, 20-30 йиллардаги даҳшатли очарчилик ва қатағонлар бўладими, уруш даврининг қийинчиликлари бўладими, 1966 йилдаги кучли зилзила талофатлари бўладими — буларнинг барчасини Тошкент сабр-тоқат ва матонат билан енгиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг минг-минглаб ўғил-қизлари ҳам фашизмга қарши жанг қилди. Айни пайтда Тошкент фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган неча 10 минглаб (Расмий маълумотларга биноан уруш йиллари Ўзбекистонга 1,5 миллионга яқин турли миллат вакиллари, асосан болалар, етим қолганлар, қариялар, ногиронлар ва ҳатто илм-фан намояндалари кўчириб келтирилган) инсонларни, ота-онасиз қолган болаларни "Сен етим эмассан!" деб бағрига олди, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Тошкент аҳли, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ва меҳрибонлик фазилатларининг ёрқин намунаси бўлмиш бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хотира ва Қадрлаш ҳақида сўз борганда, аввало, маънавий тушунчалар кўз ўнгимда гавдаланади. Фикримга ойдинлик киритсам, 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши бу жамиятимиздаги янгиланиш жараёни билан боғлиқ. Чунки, айнан шу жараён сабабли одамларимизнинг онгу-тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, мустақиллик моҳиятига, ён-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгариб бормоқда. Ўтмиш андозаларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрни ва масъуллигини янгича тасаввур эта бошлади. Мустақил Ўзбекистонимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишларга халқимизнинг дахлдорлик ҳисси, мамлакатимиз келажагига бўлган ишончи тобора юксалмоқда.

Фикримизни Хотира ва қадрлаш куни асносида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларга қаратсак.

Давлат дастуридан ташқари Президентимизнинг ҳозиргача уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича 3 та фармони қабул қилинди (2014 йил 13 октябр, 2015 йил 19 феврал, 2015 йил 6 март). Бу борада ўтган йилнинг 13 октябрида қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилгани кексаларга катта ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Шунингдек, кекса авлод вакилларига (60 ёшдан ошганлар салкам 3 миллион, 80 ёшдан ошганлар 225 минг, 90 ёшдан ошганлар 44 минг, 100 ёшдан ошганлар 8700) нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берилаётгани ва бундай ёрдамнинг миқёси кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Кекса авлоднинг босиб ўтган йўли бу — ибрат йўли, таъбир жоиз бўлса, тарбия йўлидир. Хотира ва Қадрлаш ҳақида гап кетганда, албатта, ёши улуғ инсонлар, ота-онамиз, яқинларимиз, устозларимиз, умуман кексалар ёдга олинади. Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодиёти, маданий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашда уларнинг ҳиссаси беқиёс. Шунингдек, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган ёш авлодни тарбиялашда кекса авлод вакилларининг фаол иштироки ва муносиб ўрни бор. Шунинг учун ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни (Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 65 фоизини ташкил этади) ота-онага ҳурмат, ҳар бир нуронийни чуқур эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилаётганлиги эътиборга молик.

Кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида катта сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга ошди. Шу билан бирга, бу минтақага ўзининг геостратегик манфаатлари билан ёндашаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг 10 апрел куни сўзлаган нутқида Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга таҳлилий баҳо берди. Асосий муаммолар диний экстремизм, фундаментализм, халқаро терроризм ва наркоагрессия билан боғлиқдир. Демак, мамлакатимиз ва минтақамиз тараққиётига асосий ғов бўлаётган ҳолатлар ҳам шуларда яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ҳамиша барқарор ва қатъий йўлни танлаган. Бу йўл миллий манфаатларга асосланган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро тенг иқтисодий ҳамкорлик, ҳар қандай можароларни дипломатия асосида, музокаралар орқали ечишга қаратилгандир. Албатта, бу йўлда катта тажрибага эга бўлган ота-боболаримизнинг панд-насиҳатлари, кекса авлоднинг босиб ўтган йўли ва қолаверса, улар бераётган ўгитлар "Тинчлик учун курашмоқ керак!" ғоясига ҳамиша мададкор бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Биз шунинг ҳисобидан бошимизни жаҳонда янада баланд кўтариб юришимиз мумкин. Мана, биз кимнинг авлодимиз, биз ўз вақтида бошқаларга қандай яхшиликлар қилганмиз, керак бўлса, бундай фазилат қонимизда, суягимизда азал-азалдан мавжуд, деган гапларни бор овоз билан айтсак, ярашади. Нега деганда, халқаро майдонда эришилган обрў — бу бошқа ҳар қандай обрўдан кучлирокдир".

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий телерадикомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси

Реклама ўрнида

AGROBANK

"Агробанк" АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шу билан бирга, ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, кичик бизнес ҳамда хусусий ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларга, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётир. Ажратилаётган кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда соҳага қўл урганларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётгани, оилавий тадбиркорларга кўмаклашаётгани билан аҳамиятга моликдир.

КИЧИК БИЗНЕС — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Хусусан, "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг I чорагида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга 10,7 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига кўплаб тадбиркорлар ўзларининг фаолиятларини бошлаб, йўлга қўйган ишларини янада ривожлантириш учун банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳаракатида бўлаяпти.

Буни биз "Агробанк"нинг доимий мижозлари банк ҳақида айтган мулоҳазаларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Рустам РАЖАБОВ,
«Зарметан омад қувончи» фермер хўжалиги раҳбари,
Қизилтепа тумани:

— Эътироф этиш лозимки, бугун юртимиздаги ҳар бир банк иқтисодиётимиз ривожига улуш қўшишга интилаётгани биз каби тадбиркорларга мустаҳкам таянч бўлмоқда. Яхши ниятда балиқчилик соҳасини ривожлантиришга жазм этдим. Бунинг учун, аввало, бизнес лойиҳамни тузиб, "Агробанк"нинг Қизилтепа филиалига мурожаат қилдим. Лойиҳам маъқуллангач, менга 350 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ишни сунъий ҳавза барпо этишдан бошладик. Кредит бизга жуда асқотди. Уч нафар ёшни ишга олиб, балиқчилик билан шуғулланишга киришдик.

Ҳозирда фермер хўжалигимизда балиқнинг карп, оқ дўнг пешона, оқ амур каби зотлари парвариш қилинмоқда. Жорий мавсумда элимиз дастурхонига арзон ва сифатли балиқ етказиб бериш ниятидамиз.

Келгусида тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ўйлайманки, бундан буён ҳам мазкур банк билан ҳамкорлик муваффақиятларимиз гарови бўлиб қолади.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли юртимиз обод ва турмушимиз фаровон бўлиб, халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда, эртанги кунга, ўз кучи ва имкониятларига ишончи мустаҳкамланиб бораётир.

Бугун чекка-чекка туманларда ҳам замонавий талабларга мос келадиган маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва савдо мажмуаларининг ишга тушиши маҳаллий аҳоли ҳаётининг янада фаровонлашувини таъминламоқда. Жумладан, "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ жойларидаги 23 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишини йўлга қўйиш учун 1,3 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди ва 30 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги авлод вакилларини мунтазам қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қулай шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан 24 та ёш оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 965 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилганлиги фикримизнинг далилидир.

Тадбиркорликка берилаётган эътибор ҳамда яратилаётган имконият ва имтиёзлар, айниқса, аёллар ўртасида бу соҳанинг кенг қулоч ёйишига замин яратди. Натижада сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, уларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Чунончи, "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг I чорагида давомида 47 та тадбиркор аёлга 1,7 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Натижада, 52 та янги иш ўрни яратилди.

Адиз КАРАБАЕВ,
«Адиз Бердиевич» оилавий корхонаси раҳбари,
Навбаҳор тумани:

— Мустақил диёримизда инсонларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар мавжуд. Бунда банкларнинг ёрдамини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун юртимизда кичик бизнес субъектлари фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётир.

Банклар тадбиркорлар фаолиятининг ривожланишида асосий кўмакчи, десам, асло муболаға бўлмайди. Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Агробанк"нинг Навбаҳор филиалига бизнес лойиҳа тақдим этиб, бунга ўзим ишонч ҳосил қилдим. Банк мутахассислари бизнес лойиҳамни маъқул топиб, 80 млн. сўм миқдорида кредит ажратдилар. Ушбу маблағга наслли чорва молларини сотиб олдим. Айни пайтда тумандаги бозорларга сут ва сут маҳсулотларини етказиб бермоқдамиз. Лойиҳанинг амалга ошиши маҳаллий ёшлардан бир нечтасини ишли қилди.

Меҳнатларимиз самара берди, фойда олишни бошладик, молиявий имкониятларимиз ҳам кенгайди.

Президентимизнинг "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 68 та мижозга банк томонидан 3,1 млрд. сўм миқдорида ишлаб чиқариш корхоналарига техник ускуна ва хом ашё учун кредит ажратилди. Ажратилган кредит эвазига 79 та янги иш ўрни очилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан 82 та мижозга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 4,4 млрд. сўм кредит ажратилиши натижасида, 94 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, "Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Шунингдек, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари кенгайди.

Шерзод ОХУНОВ,
«Норхолбегим» фермер хўжалиги раҳбари,
Хатирчи тумани:

— Банклар томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун кўплаб қулай имконият ва имтиёзлар яратилган. Бундай имконият эса мендай ерга иштиёқи баланд инсонлар учун айни муддао бўлди. Айтишади-ку, "яхшидан боғ қолади", деб. Мана, яратилаётган қулай имкониятлардан илҳомланиб, интенсив боғ яратиш ниятида бизнес режа тузиб, "Агробанк"нинг Хатирчи филиали кўмагида «Норхолбегим» фермер хўжалигига асос солдик. Ҳозирда турли навдаги мева кўчатлари парваришланмоқда. Насиб этса, меваларимиздан мўл-кўл ҳосил оламиз. Мақсадимиз бозорларимиз тўкинлиги ва арзончилигига ҳисса қўшиш. Фермер хўжалигини ташкил этганимиздан сўнг янги иш ўрни яратилгани ҳам кўнглимизга сурур бахш этди.

Банклар билан тадбиркор ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман. Келгусида хўжалигимизда яна қўшимча тармоқлар ишини йўлга қўйиш ниятидамиз. Хусусан, ўзимиз етиштирган меваларни қайта ишлашни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари том маънода мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Айни пайтда ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда мазкур соҳа вакилларининг улуши ошиб бораётгани ҳам шундан далолат бермоқда.

Дарҳақиқат, банк тизимининг молиявий кўмаги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борган сари иқтисодиётимизни муҳим бўғинига айланмоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт йўли тўғри танланганига яна бир далолатдир. Бугун "Агробанк" АТБ жамоаси мижозлар ҳурмати ва ишончига сазовор бўлмоқда. Муҳими, банкнинг кенг тармоқли хизматлари ва мижозларнинг билдираётган ишончи иқтисодиётнинг тизимли ривожланишига муносиб улуш бўлиб қўшилаётир. Эл фаровонлиги эса кун сайин яхшиланиб, янгиланиб бормоқда.

Банк материаллари асосида «Ishonch» мухбири Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади.

2015-yil 14-aprel, seshanba, № 47 (3552), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ВЕЛОСПОРТ

Самарқанд шаҳрида 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида шоссе бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бошланди.

ЎСМИРЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Велоспорт федерацияси, ЎзКУФК ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақани Велоспорт федерацияси вилоят бўлими раиси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров кириш сўзи билан очди. Меҳнат фахрийси Ҳамроқул Вафоев, Ўзбекистон велоспорт федерацияси бош котиби Исмоил Каримов қатнашчиларга омад тилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри жамоаларининг юздан ортиқ спортчиси тўрт кун мобайнида, тўрт босқичли беллашувларда ўз кучини синовдан ўтказади.

— Мусобақа олти нафар шогирдим билан келганман. Юқори марраларга эришиш ниятидамиз, — деди Наманган вилояти терма жамоаси мураббийи Зулфия Қувватова.

Ўз мухбиримиз

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ

ЎЙНАНГ, ШОДЛАНИНГ, ЧИНИҚИНГ

Мадинанинг қулоғига сайроқи қушларнинг овози эшитилди. Хонага тушаётган офтоб нурларидан қочиб, ўрнини ўзгартиравериш ҳам жонига тегди, шекилли, телевизорни ўчириб, ҳовлига чиқди.

— Баҳорда бизнинг боғ жуда чиройли бўлади-да, дарахтлар ва гулларнинг ҳиди ҳузур бағишлайди. Шундай эмасми, Кўзмунчоқ? — деди Мадина кучугига қараб. У ҳам худди эгасининг сўзларини тушунгандек "вов-вов" деб қўйди.

"Ошир-ошир, менга ошир-санг-чи, Аброр!" деган товуш Мадинанинг хаёлини бўлди. Ҳовлидан ташқарига чиқиб, акаси Аброр жунли нарсани у оёғидан бу оёғига ўтказиб, пастга туширмасдан тепаётганини кўрди.

— Бу нима акажон? Нимани тепяпсиз ?! — деди ҳайратланиб Мадина.

Аброрнинг диққати бўлинди шекилли, ўша бир тутам жун пастга тушади.

— Э, бу нима қилганинг, Қорақош?! (Акаси Мадинани шундай чақирарди). Шу саволингни ўйин тугагач берсанг бўлмасмиди, қара, сени деб ютқазиб қўйдим, — деди жаҳл билан синглисига.

Аброр ва унинг дўстлари баҳор яқинлашиши билан кўй ёки эчки терисининг бир парчаси ва кўрғошин тўплашади. Кунлар исигач, маҳалла болалари йиғилишиб, ўша йиққан нарсаларини ўртага ташлашади. Улардан "ланги" ("Ланка", "Жунтепки" — таҳририят изоҳи) дея аталувчи буюм ясашади. Лангининг усти юмшоқ, пасти қаттиқ бўлади. Эпчил ҳаракат қилолмаган боланинг оёғи лат ейиши мумкин. Лангини узоқроқ вақт теполган бола ўйин ғолиби ҳисобланади. Яна хоразмлик болалар арқон тортиш, бештош, тош кўтариш, варрак учириш каби миллий ўйинларга ҳам ишқибоз.

— Шундай ўйинларни ўйнаб вояга етганмиз, — дейди меҳнат фахрийси, 85 ёшли отахон Абдулла ота Ражабов. — Улар бизни чаққон ва зийрак бўлишга ўргатган, жисмонан чиниқтирган. Бугун ҳам улар ўз қимматини йўқотган эмас. Жужуқлар шуғулланиб, эпчил ҳаракат қилишга ўрганадилар. Кучли бўлишга интилади. Миллий ўйинларимизнинг инсон камолотидаги ўрни бўлакча.

Хоразмлик кўплаб спортчилар билан суҳбатлашганимизда, улар болалигида миллий ўйинларни ўйнаб вояга етганликларини айтишади. Дарвоқе, бештошми ёхуд арқон тортишми ўйнаётганингизда сизни завқу шавқ қамраб олади, инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Мафтуна РЎЗИМАТОВА,
Хоразм вилояти

ДАВР ЭПКИНИ

Сўнгги йилларда она тилимизга хорижий сўзлар кириб келмоқда. Буни жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Компютернинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши унга алоқадор дисплей, файл, принтер, сканер, сайт каби кўплаб атамаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Хорижий сўзларни фаол ўзлаштириш жараёни бошқа соҳаларда ҳам юз бермоқда. Ҳозирги кунда видео, нетбук, скриншот каби кенг истеъмолда бўлган сўзларни таъкидлаш кифоя. Шу каби сўзларни ўзлаштириш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик сабаблар орасида мамлакатимизда инглиз тилини билувчи ва сўзлашувчилар сонининг ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ мамлакатимиз ислоҳотлар йўлига, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиб, жаҳон бозорининг фаол иштирокчисига айланди. Ҳозирги кунда айниқса, инглиз тилини чуқур ўрганишга иштиёқманд бўлган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда.

Олийгоҳимизнинг чет тиллар факултетида ҳафтанинг ҳар сешанбаси инглиз тилида сўзлашув куни деб эълон қилинган. Бундан ташқари, ўтказилаётган турли кеча, тадбир ва йиғинлар инглиз тилида олиб борилмоқда.

Ахборот-ресурс марказида филмлар намойиши давомли тус олган. Факултетимизда гуруҳ кутубхоналари ташкил этилиб, ҳозирда яхши самара бермоқда.

Гўзал БОБОЖОНОВА,
Жиззах давлат педагогика институти магистранти

Реклама ва эълонлар

МУЛОҲАЗА

Қизингизнинг бўйи чўзилиб, уйингизга совчилар кела бошлади. Кўнглингиз тубидаги ширин орзулардан энтиқиб қўймоқдасиз, ҳойнаҳой? Ҳа, ота-она учун фарзандининг бахтини кўришдан-да улкан қувонч йўқ, албатта.

«ТЕНГИ ЧИҚСА — ТЕКИНГА»МИ?!

Аммо ўйлаб кўрдингизми?! Эндигина мактабни тугатиб, колледж остонасига қадам қўяётган қизингиз турмушга чиқишга, она бўлишга тайёрми ўзи? Қўлида бирор касби, ҳунари борми?..

Қизини тезроқ келинлик либосида кўришни истаган, бошқача қилиб айтганда, «Тенги чиқса — текинга бер» қабилида иш тутган ота-оналар ўз қўллари билан фарзандини чоҳга улоқтиргани, афсуски, жуда кеч англаб етмоқда. Энг ачинарлиси, ёнатрофида ана шундай аянчли воқеага ўзи шоҳид бўлади-ю, ўз фарзандига келганда ҳаммасини унутади. Эрта ёшдаги оналикда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратининг ўлим эҳтимоли юқорилиги ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Ахир ҳомиладорлик ёш қизнинг нафақат саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, балки унинг таълим олишига, жамиятда ўз ўрнини топишига ҳам тўсиқ бўлиб қолади-ку.

Яна бир оғриқли муаммо — яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни ёқловчилар ҳам йўқ эмаслиги. Бироқ бир жиҳатни зинҳор унутмаслик лозим: ген билан боғлиқ айрим касалликларнинг яширин даври икки-уч авлод ўтиб ҳам юзага чиқиши тиббиётда ўз исботини топган. Натижада бобою бувисининг «арзимас» хатоси туфайли соғлом ота-онанинг бир дилбанди ногирон туғилади. Энг ачинарлиси, бундай фарзандлар кўпинча ўз ота-онаси бағридан эмас, Мурувват уйларидан қўним топади.

Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар), деб белгиланган. Демак, вояга етмай турмуш қураётган ва она бўлаётган ўсмир қизлар қонун бўйича ҳам ҳали бола ҳисобланади. Орзу-ҳавас деймиз, фарзандларимиз камолини тезроқ кўргимиз келади. Лекин обдон ўйлаб кўрайлик: фарзандларимизни 17-18 ёшга кирар-кирмас уйлантириб қўйсак ёки узатиб юборсак, улар оила ҳақида қандай тасаввурда бўлади? Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, қўлида тайинли бирор касб-кори, ҳунари бўлмаган, она сути оғзидан кетмаган бола оила аталмиш муқаддас тушунчанинг моҳиятини англаб ета оладими? Улар эртага қандай фарзанд кўради? Болаларига қандай тарбия беради? Буларни, аввало, ким ўйлаши керак? Ахир уйлантирамиз, оила қурасан, фарзанд кўрасан, деб орзу қилиб турганимиз — йигитча ва қизчанинг ўзи ҳали бола-ку?!

Икки ёш оила қурар экан, «Соғлом ота-она бўлишга тайёрмизми?», деган саволга жавоб топиши керак. Бунинг учун ёшлар никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши белгилаб қўйилган. Мутахассис шифокорлар оила қураётганларга тиббий кўрикдан ўтиш асносида тегишли кўрсатма, тавсия ва маслаҳатларни беришади. Ана шундай пайтда ўз вақтида зарурий муолажаларни олган, бу жараёнда ўзбошимчалик билан йўл тутмасдан, албатта, малакали шифокорлар ёрдамидан фойдаланган йигит-қиздан эртага соғлом оила бунёд бўлади, соғлом фарзандлар дунёга келади.

Саида ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳар 1-Никоҳ уйи мудираси

«Ishonch» газетасининг 2015 йил 19 мартдаги 36-37(3542)-сонидаги «Universal Realtor» МЧЖ эълонида «DO'RMON-IBRAGIMOV HAMIDULLA» фермер хўжалигига қарашли кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг жойлашган манзилини Тошкент вилояти, Қибрай тумани Қипчоқ ҚФЙ деб ўқишингизни сўраймиз.

"Universal Realtor" МЧЖ 2015 йил 31 март куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида "UzGazOil" МЧЖга қарашли Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Назармарҳам қишлоғида жойлашган 117-сонли АЁҚШ 142000000 сўмга; Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Андижон кўчасида жойлашган 108-сонли АЁҚШ 122000000 сўмга, шунингдек, «Qibray-Ibragimov Mausumboy» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти Қибрай тумани, Чинобод ҚФЙда жойлашган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар 8900000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. "Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, "Бешолишсой" сел ташламасини реконструкция қилиш ишлари".

Бошланғич нархи –**901 083 550 сўм ҚҚС билан: 750 902 958 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **2,5 ой.**

2. ЛОТ-1

Лот-1.1. "Фарғона вилояти, Сўх туманидаги "Девайрон-Тул" дамбасини реконструкция қилиш ишлари".

Бошланғич нархи — **576 459 927 сўм ҚҚС билан ва 480 383 272 сўм ҚҚС сиз.**

Лот-1.2. "Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги "Даханасой" сел ташламасини реконструкция қилиш ишлари".

Бошланғич нархи — **646 819 142 сўм ҚҚС билан ва 539 015 951 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **2 ой.**

Буюртмачи: **22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.**

Манзил: Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй, тел: (373) 244-70-85

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки

бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (+99898) 276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй, манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

ЛОТ – 15

1.ЛОТ 15-1. "Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Полахон ҚФЙ, Хонхўжа қишлоғидаги 47-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **594 283 023 сўм ҚҚС билан; 495 235 852 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 15-2. "Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Кўқон ҚФЙ, Бекобод қишлоғидаги 36-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **578 418 183 сўм ҚҚС билан; 482 015 152 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 15-3. "Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, Қумтепа ҚФЙ, Қумтепа қишлоғидаги 5-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **593 735 495 сўм ҚҚС билан; 494 779 579 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

ЛОТ – 16

2.ЛОТ 16-1. "Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Кўргонтепа ҚФЙдаги, 54-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **586 222 717 сўм ҚҚС билан; 488 518 931 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 16-2. "Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, Мирзолар қишлоғидаги 7-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **584 217 732 сўм ҚҚС билан; 486 848 110 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 16-3. "Фарғона вилояти, Риштон тумани, Меҳнатобод қишлоғидаги 42-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **578 418 183 сўм ҚҚС билан; 482 015 152 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 16-4. "Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Гулистон ҚФЙ Гулистон қишлоғидаги 10-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **584 217 732 сўм ҚҚС билан; 486 848 110 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

ЛОТ – 17

3.ЛОТ 17-1 "Фарғона вилояти, Қува тумани, Саноатчилар МФЙ, Бекобод қишлоғидаги 14-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **584 217 732 сўм ҚҚС билан; 486 848 110 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 17-2 "Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Қўрғонча ҚФЙ, Ҳамроқ қишлоғидаги 5-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **575 157 906 сўм ҚҚС билан; 479 298 255 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 17-3 "Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Олтиариқ маркази, Ўзбекистон кўчасидаги 4-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **583 301 610 сўм ҚҚС билан; 486 084 675 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 17-4 "Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Чуваланчи ҚФЙ Қаҳат қишлоғидаги 29-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **583 467 054 сўм ҚҚС билан; 486 222 545 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

ЛОТ – 18

4.ЛОТ 18-1 "Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Андархон ҚФЙ, Қияли МФЙдаги 15-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **585 373 067 сўм ҚҚС билан; 487 810 889 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 18-2 "Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Ражабгарди ҚФЙ, Ражабгарди қишлоғидаги 12-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **584 399 002 сўм ҚҚС билан; 486 999 169 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 18-3 "Фарғона вилояти, Данғара тумани, Мулкобод ҚФЙ, Бўриқум қишлоғидаги 37-сонли мактаб ҳудудида 12х24 м ўлчамли ёрдамчи хоналари билан спортзал қурилиши".

Бошланғич нархи: **573 842 591 сўм ҚҚС билан; 478 202 159 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, тел:(373) 401-52-05.401-52-01.

Қурилиш-монтаж ишлари: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32,) 998-98-276-25-48. Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри,Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқнинг Жиззах вилояти Пахтакор туман кенгаши раиси Собиржон Пирматовга отаси

Абдураззоқ бобо ПИРМАТОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқнинг Жиззах вилояти Зафаробод тумани кенгаши раиси Муҳаммад Дўстовга онаси

Меҳринисо ДЎСТОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:

Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: A.Arslonov

Musahhih: N.Choriyev

Bosishga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:30

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 415 | 19386 nusxada bosildi | 12 456